

Кафанга кўп пул сарфламанг



08:00 / 22.08.2020 2125

Холид ибн Робиъдан ривоят қилинади: «Ҳузайфа розияллоҳу анҳунинг ўлими яқинлашгач, бундан хабар топган қариндошлар ва ансорлар тонгга яқин унинг ҳузурига киришди. Ҳузайфа розияллоҳу анҳу: «Ҳозир қайси пайт?» деб сўради. «Тонг яқинлашиб қолди», дедик. Ҳузайфа: «Аллоҳдан дўзахга олиб борадиган тонгдан паноҳ сўрайман», деди. Сўнг «Мени кафанлайдиган нарса олиб келдиларингми?» деб сўради. «Ҳа», дедик. У шундай деди: «Кафанларга кўп пул сарфламанглар. Аллоҳнинг ҳузурига мен учун яхшилик бор бўлса, менга ундан (кафандан) яхшироқ нарса берилади. Акси бўлса, тез орада ундан маҳрум бўламан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан